

## SPECIFIC FEATURES OF TEACHER PROFESSIONAL COMPETENCE DEVELOPMENT

Musurmonov Rakhmatilla,

Associate Professor of "Pedagogy and Education Management", Ph.D.

Khusniddinov M.

Master's degree in "Management of educational institutions".

### Annotation:

The article shows that the effectiveness of teacher professional competence depends on the teacher's activity, the development of professional competence depends on continuous professional development and independent work, the development of professional competence depends on the "teacher-teacher" and "human-book" relations between teachers. thought about the didactic basis of design.

**Key words and phrases:** educational environment, design, theoretical basis, professional competence, levels of development, improvement, educational process, professional development, independent work, educational motives, theoretical and practical concepts, modernized educational conditions, teacher-student, communication culture, educational attitude , functional functions.

**Аннотация:** В статье показано, что эффективность профессиональной компетентности учителя зависит от деятельности учителя, развитие профессиональной компетентности - от непрерывного профессионального развития и самостоятельной работы, развитие профессиональной компетентности - от отношений «учитель-учитель» и «человек-книга». Между учителями размышляли о дидактических основах дизайна.

**Ключевые слова и фразы:** образовательная среда, дизайн, теоретические основы, профессиональная компетентность, уровни развития, совершенствования, образовательный процесс, профессиональное развитие, самостоятельная работа, образовательные мотивы, теоретические и практические концепции, модернизированные условия обучения, учитель-ученик, культура общения, воспитательная установка, функциональные функции .

Маълумки, глобаллашув шароитида таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг таълим самарадорлигини ошириш масалалари ўзининг долзарблиги билан педагог-ўқитувчиларга катта масъулият юклайди. Бу масъулиятни тўла ҳис қилиш ва замон талабига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун ўқитувчиларнинг касбий компотентлигини ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Кузатишлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан маълумки, умумий ўрта таълим мазмунини лойиҳалаш орқали дарсларни инновацион методларда олиб бориш ўзининг самарасини бермоқда. Албатта, бугун мактабда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг барчаси ҳам шундай тайёргарликка эга эмас. Яъни ўқув материали, янги билимларни ўқувчиларга тақдим этиш учун дастлаб уни лойиҳалаштириш тақоза этилади. Бунинг учун ушбу жараёнга назарийтчи педагоглар билан бир қаторда, ўқитувчилар, мактаб руҳшунослари ҳам иштирок этиши зарурати пайдо бўлади.

**Таҳлил ва натижалар.** Таълим мазмунини лойиҳалашда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади.



**Дастлабки босқич:** ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида келажакда амалга оширадиган ишлари ва ҳамкорлик имкониятларини руҳшунослар билан биргаликда муҳокама қилиш;

**Иккинчи босқичда** ўқитувчи олдида турган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва ғоявий асосларини аниқлаш, ўқитувчилар ва руҳшуносларнинг умумий нуқтаи-назарлари, қарашлари, бажарадиган ишлари, мавқелари ўқувчиларга нисбатан муносабатларини белгилаш, уларнинг ҳар бирига хос вазифаларни тақсимлаш, ҳамкорликнинг умумий мақсадлари, вазифалари, йўналишлари ва моҳиятини ойдинлаштириш;

**Учинчи босқич:** ўқувчиларнинг ривожланиш даражаларини текшириш ва аниқлашга асосланган таълим дастурларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларининг дастурлари ва лойиҳалари билан яқиндан танишиш, таълим жараёни иштирокчиларини педагогик-психологик жиҳатдан тайёрлаш;

**Тўртинчи босқич:** таълим дастурларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, жорий педагогик ташхисни амалга ошириш, дастурларни тадбиқ этиш жараёнини таҳлил қилиш ва унга ижодий ёндашиш, вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида оралиқ ташхисни амалга ошириш;

**Бешинчи босқич:** жараён якунини ижодий ташхислаш, якуний ташхислашни амалга ошириш, ўқув жараёни натижаларини биргаликда таҳлил этиш, жараёнга ижодий ёндашиш, таълимнинг кейинги босқичига ўтиш мақсадида таълим дастурларини лойиҳалаштириш кабилар шулар жумласидандир.

Ўқувчилар билан уларни ривожлантириш ва фаолиятларига тузатиш киритишга йўналтирилган ишларни амалга оширишда уларни педагогик-психологик жиҳатдан бошқаришни бир қатор методлари мавжуд. Бироқ бу методлар бир бутун технология сифатида намоён бўлиши, ўқувчиларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган маданият даражасида акс этиши лозим.

Бунинг учун ўқитувчи нафақат ташхислаш, маслаҳат бериш, тузатиш методларини эгаллаши, балки муаммоли вазиятларни таҳлил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим. У ўқувчиларнинг фаолиятларини дастурлаштириши ва режалаштириши лозим. Бундай режалар ўқувчилар олдида турган муаммоларни ечишга йўналтирилтирилиши талаб этилади.

Таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг педагогик қўллаб-қувватлаш вазифалари турличадир. Масалан, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёргарлигини ташхислаш орқали улар фаолиятида мавжуд бўлган камчиликлар тузатилади. Бошланғич синфларда эса, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятига киришишга тайёргарлик даражалари аниқланади. Бунинг учун ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали, уларнинг мактабга мослашиши таъминланади, ўқув фаолиятига бўлган қизиқишлари орттирилади, таълимга бўлган қизиқишлари ривожлантирилади. 5-9 синфларда эса, педагогик қўллаб-қувватлаш орқали ўқувчилар янги ўқув шароитларига кўниктирилиши натижасида янги ўқув шароитларига мослашиш жараёнлари тезлаштирилади, ўзларининг шахсий муаммоларини ҳал қилишга одат-лантирилади, ижтимоийлашув муаммоларини ечишга кўмаклашилади. Шунингдек, ҳаётий кўникмаларнинг шаклланиши, ота-она ва тенгдошлари билан конструктив муносабатлар ўрнатиш, хулқ-атворларини



соғломлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу билан бир қаторда ўқувчилар касб танлаш ва муайян касб-хунар йўналишини эгаллаш соҳасида ҳам педагогик қўллаб-қувватлашга муҳтождирлар. Бунинг учун ўқувчилар тараққиётининг алоҳида даврларини ҳисобга олган ҳолда педагогик қўллаб-қувватлаш турларини танлаш зарур бўлади.

Мактаб миқёсида ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш жараёнига ўқитувчилар, психологлар, мактаб раҳбарияти, ижтимоий педагоглар бирдай иштирок этишлари лозим. Бу жараёнга педагогик жамоа аъзолари ўқувчиларнинг хулқ-атворидаги камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган махсус дастур асосида иш олиб боришлари керак.

Модернизациялашган таълим жараёнида ўқувчиларнинг педагогик қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги йўналишларини амалда татбиқ этишлари лозим:

- Ўқитувчилар, руҳшунослар ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган алоҳида дастурларни тузишга иштирок этишлари;
- ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг қулай шаклларини излаб топиш ва қўллашда синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари ва мактаб психологи фаол ҳамкорлик қилишлари;
- ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахсий ривожланишлари, атрофдагилар билан ишчан мулоқотга киришишлари, ҳамкорлик қилишлари, мустақил фаолият кўрсатишлари, танқидий фикрлаш кўникмаларини эгаллашларини, салбий кўринишдаги ижтимоий таъсирларни бартараф этишларига кўмаклашадиган тренингларни ташкил қилишлари лозим.

Ўқувчиларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда уларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг ўрни беқиёсдир. Бу йўналишдаги ишлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчиларни соғлом турмуш тарзи қоидаларини ўзлаштиришга рағбатлантириш;
- ўз кўркувларини бартараф этиш ва фаолиятларини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг чекиш, ичиш, наркотик моддаларга қизиқиши ва турли касалликларни олдини олиш.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг ижтимоийлашувлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларидаги муваффақиятларини таъминлайди. Ўқитувчи ўқувчиларни жамиятдан ажралмаган ҳолда ўзларининг муаммоларини ҳал қилишлари мумкинлигига ишонтиришлари лозим.

Айниқса, ўқитувчилар битирувчи синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама аниқлаган ҳолда уларнинг муайян касб соҳасига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун таълим мазмуни ва жараёнини табақалаштиришни амалга ошириш ниҳоятда зарур. Бунда айниқса, ички табақалаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган соҳани танлашлари учун уларда муайян касблар, соҳалар ҳақида етарли маълумот ва тасаввурлар ҳосил бўлиши лозим. Агар таълим жараёнида ўқувчилар талаб даражасида қўллаб-қувватлансалар, ўқув юкламаси уларни толиқтирмайди ва уларда ўқув жараёнидан бешиш кузатилмайди.

Ўқувчиларнинг педагогик қўллаб-қувватлашнинг доираси фақатгина ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари билан чегараланмайди. Бунда ота-она ва педагоглар жамоасининг ҳамкорлиги ниҳоятда муҳимдир.

Ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш таълим муассасасида уларнинг ривожланишлари ва ўқишлари учун ҳар томонлама қулай бўлган муҳитни вужудга келтириш имконини беради. Ўқитувчилар фақатгина иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватламасдан бошқа ўқувчиларга ҳам эътиборини кучайтириши керак. Бунинг учун:

- ўқувчининг ўзига хос бўлган таълим йўналишини топиш;
- ўқувчида ўзини муносиб тарзда баҳолаш кўникмасини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг руҳий-жисмоний саломатликларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш;
- ўқувчилардаги асабий ҳолатларни бартараф этиш;
- иқтидорли ўқувчиларнинг ўз тенгдошларидан ажралиб қолишларини олдини олиш;
- ўқитувчилар ва иқтидорли болалар ота-оналарининг педагогик-психологик билимдонликларини таъминлаш муҳимлигини унутмаслик керак.

### **Хулоса ва таклифлар:**

Ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш модернизациялашган таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида амалга оширилиши замонавий таълимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Агар ўқитувчилар томонидан ҳар бир дарс берилган тавсияларга асосида лойиҳалаштирилиб янги билимлар ўқувчиларга тавсия этилса, ўзининг ижобий натижаларини бериши тажрибаларимизда ўз исботини топди.

Бу борада Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика факультети, “Педагогика ва менежмент” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан институт раҳбариятининг ташаббускорлиги асосида базавий инновацион илмий йўналиши ҳисобланган “Инновацион таълим кластери” йўналишида кенг қамровда олиб бораётган тадқиқот ишлари фикримизга далил бўла олади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
2. Ходжаев Б.Х., Зуфаров Ш.М. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2010.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
4. Ходжаев В. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. – Т.: Sano-Standart, 2017.
5. Р.Мусурмонов “Таълим сифатини бошқаришга ижобий таъсир этувчи омиллар ҳақида”, Киргизия Вестник Баткентского гос. Универ. Ж. 2008, № 5, Б. 76-78
6. Р.Мусурмонов “Соғлом авлод тарбияси – жамият тараққиётининг асоси” ЎЗМУ хабарлари жур. Т.: 2011 й. № 1, Б. 169-173